

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



2022 йил
28 июль
№ 30 (867)



2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулودда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

КЎЧМА ДАРСЛАР

Навбатдаги машғулотлар Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари учун ташкил этилди



ФВВ Академияси ҳузуридаги Фукаро муҳофазаси институти ва Тошкент шаҳар Фавқулудда вазиятлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари учун “Зилзила ва унинг келиб чиқиш сабаблари”, “Зилзила талафотларини камайтириш чора-тадбирлари”, “Зилзилагача, зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг ҳаракатланиш қоидалари” ва “Зилзила оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш”

каби мавзуларда кўчма дарслар ўтказилди.

Ушбу машғулотларда иштирокчилар зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ўз билим-малакаларини янада мустаҳкамлаб, бу борадаги саволларига мутахассислардан жавоб олдилар.

Ҳозирда бу каби дарс машғулотлари жойларда давом эттирилмоқда.

ФВВ Матбуот хизмати.



DAVLAT TILI E'TIROFI

Toshkent shahar Favqulodda vaziyatlar boshqarmasida o'tkazilgan ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarlik mashg'ulotiga O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbek tilini rivojlantirish jamg'armasi direktori Azizjon Eminov hamda Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi Davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazi direktori, filologiya fanlari nomzodi, dotsent Inomjon Azimovlar taklif etildilar.



Tadbirni boshqarma boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik Saidja'far Magdixodjayev ochdi va olib bordi. Shundan so'ng boshqarma boshlig'i general-mayor Ravshan Xaydarov taklif etilgan mehmonlar ishtirokida Davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazi o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomlagan boshqarma, hududiy bo'lim va bo'linma hamda tarkibiy tuzilmalar harbiy xizmatchi va xizmatchilariga sertifikatlar, shuningdek, bir guruh harbiy xizmatchilarga harbiy unvonlarni tantanali ravishda topshirdi.

Tantanali qismdan so'ng mutaxassislar hozirgi kunda dolzarb bo'lgan O'zbekiston

Respublikasining “Davlat tili haqida” va “Reklama to'g'risida”gi qonunlarining mazmun-mohiyati, mamlakatimizda o'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish bo'yicha amalga oshirilayotgan islohotlarning ahamiyati, shuningdek, tashqi yozuvlardan foydalanishda davlat tilining ustuvorligi to'g'risida ma'ruza qildilar.

Tadbir yakunida Azizjon Eminov boshqarma kutubxona fondiga “Davlat tilida ish yuritish” qo'llanmasini sovg'a qildi.

Gulbahor BEKOVA,
Toshkent shahar FVV boshlig'i maslahatchisi.

КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси маҳкамасида Қуролли Кучларда жорий йилнинг 6 ойидаги қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот аҳволи, ҳуқуқбузарлик содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар ва интизомни мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар юзасидан видеоконференция алоқа режимида Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Унда ҳарбий прокуратура ходимлари, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, ДХХ Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинлари, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар қўмондонликлари масъул офицерлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари Баҳодир Худойбердиев олиб борди.

Танқидий руҳда ўтган муҳокамада жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарлик аҳволини мунтазам таҳлил қилиб, амалий тадбирларни режаласитириш ҳамда самарали олиб бориш, шахсий таркибининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, тарбиявий-мафкуравий ишларда илғор услублардан фойдаланиш,



шунингдек, бошқа масалалар юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шерзод ХАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия полковниги.

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси билан ҳамкорликда “Йўл қоидаси – умр фойдаси” мавзусида профилактик тадбир ташкил этилди. Тадбирда Чирчиқ ҳарбий прокурори А.Бобоев, Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи ва яна бир қатор масъул вакиллар иштирок этдилар.



А.Бобоев тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” боби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2022 йилдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериб ўтди.

Тадбир давомида ҳар бир туман, шаҳар қўриқлаш бўлимига хизматда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ҳамда навбатдаги махсус унвонлар тантанали равишда топширилди.

Султанмурад ҚАЛЕНДЕРОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия майори.

Нукус ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси туман, шаҳар бўлимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

НУКУСДА САЙЁР ҚАБУЛ

Тадбирда ҳарбий прокурор адлия полковниги Ф.Бегашев сўзга чиқиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, энг аввало, халқ билан мулоқотда бўлиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо



ва эҳтиёжларини эшитиш, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Сайёр қабулга 20 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари мурожаат қилган бўлса, шундан 5 нафар ҳарбий хизматчи хизмат жойини бошқа туман-шаҳарларга кўчириш, 4 нафар ҳарбий хизматчи моддий ёрдам олиши, 3 нафар ҳарбий хизматчининг

оила аъзолари имтиёзли уй-жой олиш масаласи, қолган 8 нафари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар юзасидан мурожаатлар қилдилар.

Шунингдек, мурожаатларнинг 8 нафари жойида қаноатлантирилиб, қолган 12 та мурожаат тегишли тартибда назоратга олинди.

Дауран ТУРУМБАЕВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.

Yurtimizda nafaqat adolat tushunchasini yanada keng qaror toptirishga alohida e'tibor qaratilmoqda, balki jamiyatimizda korrupsiya, turli jinoyatlarni sodir etish va boshqa huquqbuzarlik holatlariga qarshi kurashish, ularga yo'q o'ymaslik, jinoyatga jazo, albatta, muqarrar ekanligi ham uqtirib kelinyapti.

KORRUPSIYAGA QARSHI

2017-yil 3-yanvar kuni qabul qilingan “Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida”gi qonun korrupsiyaga barham berish uchun barcha asoslarni yaratib berdi. Mazkur qonun ijrosi to'liq va samarali ta'minlanishi uchun 2017-yil 2-fevralda Davlatimiz rahbarining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida”gi “O'zbekiston Respublikasi qonunining qoidalarini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori qabul qilindi.

Jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni qaror toptirish o'ta dolzarb masaladir. Garchi uni bajarish uchun mas'ul idoralar belgilangan bo'lsa-da, uning to'laqonli ro'yobga chiqishi uchun har bir fuqaro o'zida mas'uliyat his eta bilishi darkor.

Korrupsiyaga qarshi kurashish – juda murakkab jarayondir. Chunki o'z manfaati yo'lida hech narsadan tap tortmaydigan, nafs va ko'zi och amaldorlar jamiyatda uchrab turibdi. Bundaylarda har doim qachondir nafs hakalak otib ketish xavfi bo'ladi. Bu illatni daf qilish uchun jamiyatda qonun ustuvorligi asosiy masala bo'lishi lozim.

Davlat hokimiyati tizimlarining ish faoliyati shaffof bo'lishi kerak hamda bu shaffoflik jamoatchilik va ommaviy axborot vositalari yordamida nazorat qilib borilishi lozim. Ularning fuqarolar huquqlarini sharhlab borishi va jamiyatda huquqiy savodxonlik darajasining yuksalishiga yordam beruvchi mustaqil hokimiyat bo'lishi ayni muddaodir.

Xalqimizning tom ma'nodagi adolat qaror topgan jamiyatda yashashi uchun nafaqat mas'ul shaxslar, balki har bir fuqaro o'z hissasini qo'shishi shart. Bu fuqarolarimizda har qanday qonunbuzarlikka nisbatan murosasizlik kayfiyati, madaniyati shakllanishiga ham bog'liq. Chunki har qanday qonunbuzarlik sodir etilishiga, ko'payishiga ko'p hollarda fuqarolarimizning befarqligi, loqaydligi sabab bo'lmoqda. Barchaning yakdilligi, yurt taqdiriga daxldorligi kuchayishi har qanday illatning batamom barham topishiga xizmat qiladi.

J.HUSHNAZAROV, Qarshi Harbiy prokurori yordamchisi, adliya katta leytenanti.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик тизими фақат миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат эмас. Бу соҳадаги миллий қонун ҳужжатларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар ва шартномалар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 30 дан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартнома ҳамда битимлар имзоланган.

Айни вақтда интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш мақсадида норматив-ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 март “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони интеллектуал мулк ҳуқуқининг узоқ йилларга мўлжалланган истиқболни белгилаб берган ҳужжат сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда дунёдаги глобаллашув жадаллик билан ўзгариб бораётган ҳаёт, давлат бошқарувини модернизация қилиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун ҳам янги конституциявий ислохотларни ўтказиш, унда интеллектуал мулкнинг ҳам муносиб ўрнини белгилаш вазифасини кўймоқда. Бунда эътиборли жиҳати шундаки, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишга оид норма деярли барча ривожланган давлатларнинг Конституцияларида атрофлича ёритилган.

Интеллектуал мулк объектларининг

ишончли муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида юқори илмий, техникавий ва ижод ютуқларини амалиётга жорий этиш учун Конституциямизнинг 42-моддаси 3-қисмини шакллантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунга кўра, Конституциямизнинг амалдаги 42-моддаси куйидаги тахрирда баён қилинса, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар юқори даражада муҳофазага олинган буларди.

“42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ҳар бир шахс томонидан яратилган маданий, илмий ва техникавий ютуқлар давлат томонидан муҳофаза қилинади ва муаллифнинг ўз интеллектуал фаолияти натижасида яратган мулкдан эркин фойдаланиши ва моддий манфаат-

дор бўлиши, унинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлади ва муаллифнинг розилигисиз унинг ҳуқуқларини амалга ошириш мумкин эмас”.

Шуни инобатга олиш зарурки, охириги уч йилда Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, соҳага оид қонунчиликни ислоҳ қилиш, айниқса, унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини белгилаш зарурияти мавжуд. Шу сабабли ҳам интеллектуал мулк объектлари муҳофазасини кучайтириш, муаллифлар манфаатларини рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида устувор йўналиш ва мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Гулнора ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали доценти, юридик фанлар номзоди.

Оқолтин тумани фавқулдда вазиятлар бўлими ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари аҳоли яшаш хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва чўмилиш тақиқланган ҳудудларда профилактик тадбирлар ташкил этишмоқда.

ҲАМКОРЛИК



Жумладан, биргина июль ойининг шу кунига қадар тумандаги 647 та хонадон ўрганилган бўлса, аниқланган 183 та қоида бузи-

лиш ҳолатларининг 148 таси бартараф этилди.

Шунингдек, тақиқланган сув ҳавзаларида чўмилаётган 579 нафар фуқаро огоҳликка чақирилиб, улар билан профилактик суҳбатлар олиб борилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ
ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.
Сардор ШЕРМАТОВ,
Оқолтин тумани ФВ
бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

ЭМЛАШ ТАДБИРЛАРИ



Фавқулдда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида "Covid-19" инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва шахсий таркибнинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида, инфекцияга қарши Бустер доза билан эмлаш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Мазкур тадбирларда институт жамоаси фаол иштирок этмоқдалар.

М.ИКРОМОВ,
ФМИ Тиббиёт пункти бошлиғи,
капитан.
Н.ЮСУПОВА, ҳамшира.

СОЛИҚҚА "ЧАП" БЕРИБ...

Тўлаётган солиқларимиз давлатимиз қудратини ошириш, халқимиз турмуш шариитини яхшилашга дахлдорлигини баъзи ҳамюртларимиз тушунмайди. Натижада даромадни яшириб, солиқ тўлашдан бўйин товломқчи бўладилар. Қонунга зид ишлари билан ноқонуний даромад топмоқчи бўлаётганлар сирини кўп ўтмай фош этилмоқда. Жумладан, муқаддам судланган Б.С. 2017 йилда "Grand Deliveries" МЧЖ ташкил қилиб, 2018 йил 22 майдан эса ушбу жамият раҳбари лавозимига тайинланади. У молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириб, қатор банкларда, жумладан, ТИФ "Миллий банк", Тошкент шаҳар бошқармаси "Саёҳат" филиали, "Равнақ банк" ва бошқа банкда ҳисоб рақамларини очади. МЧЖ раҳбари 2020-2021 йил январь-март ойига қадар турли ташкилотлар билан автотранспорт эҳтиёт қисмлари, озиқ-овқат, маиший, электр ва ҳўжалик маҳсулотлари ҳамда қурилиш ва бошқа хизматлар бўйича шартнома тузади. Улардан сотиб олинган 17 миллиард 424 миллион 418 минг сўмлик товар-моддий бойликларини номаълум шахсларга нақд пулга сотган. Ноқонуний савдодан тушган пулларни эса банк ҳисоб рақамига инкассация қилмасдан ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган. Бу билан у Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талабларини қўпол равишда бузган.

Б.С. ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, шартнома шартларини бажариш мақсадсиз товарсиз операцияларни амалга ошириб, пулни нақдлаштирган. Шу орқали у ноқонуний даромад орттириш мақсадида уларни солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан яширган. Натижада бюджетга тўла-ниши лозим бўлган 2 миллиард 613 миллион 622 минг сўмлик қўшилган қиймат солиғини

тўлашдан бўйин товлаб келган. Қора қилмишини яшириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этмаган ҳолда амалга оширган товарсиз операциялар изини йўқотиш мақсадида бухгалтерия ҳужжатларини, олди-сотди шартномаларини, думалоқ муҳрларни қасддан йўқ қилган.

Бундан ташқари, Б.С. ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йил 17 декабрда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган яна бир МЧЖни ташкил этади. Табиийки, қатор банкларда ҳисоб рақамлар очади. Бир қанча ташкилотлар билан қурилиш, маиший маҳсулотлар бўйича шартномалар тузади. Уларга асосан жамият ҳисоб рақамига 14 миллиард 465 миллион 495 минг сўм келиб тушишига эришади. Ушбу маблағга турли ташкилотлардан 10 миллиард сўмдан кўп қурилиш, маиший маҳсулотларни сотиб олиб, номаълум шахсларга нақд пулга сотиб юборган. У айни ҳаракати билан савдо қоидаларини қўпол равишда бузган. "Тадбиркор" яна бухгалтерия ҳужжатларини ва думалоқ муҳрини қасддан йўқ қилади.

Савдо қоидаларини қўпол равишда бузиб, солиқларга "чап" бермоқчи бўлган МЧЖ раҳбарининг сирини ҳужжатли текширув жараёнида фош этилди. Судда Б.С. қилмишидан пушаймонлигини билдириб, кечирим сўради. Суд судланувчига жазо тайинлашда барча жиҳатларни эътиборга олди ва унга 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Агарда у қонуний фаолият юритганда бошига бундай савдолар тушмас эди.

Илёс ТОШТЕМИРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси катта тафтишчиси.

ҲИСОБОТ

"Қамчиқ" махсус кидирув, ёнгин-қутқарув бошқармасида 2022 йилнинг I ярим йиллигида амалга оширилган тадбирлар якуни ва II ярим йилдаги устувор вазифалар юзасидан ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишни бошқарма бошлиғи полковник Ҳ.Бобонов очиб, 2022 йилнинг I ярим йиллигида аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шахсий таркибнинг ижтимоий муҳофазаси, ходимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилган тадбирлар мазмунига тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, бўлим, бўлинма бошлиқлари ҳамда отряд командирлари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этиб, ўтган давр мобайнида йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар ҳақида ҳисобот бердилар.



Йиғилиш якунида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилиб, келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўзаро келишиб олинди.

Ш.АБДУСАТТОРОВА,
"Қамчиқ" МҚЁҚБ етакчи мутахассиси.

BOLAJONLAR UCHUN

Kitob tumanida joylashgan "Yosh alangachi" va "Nurafshon" yozgi dam olish oromgohlarida tuman FV bo'limi va boshqarma Hayot faoliyati o'quv markazi mas'ul xodimlari tomonidan profilaktik tadbir tashkil etildi.



ko'rsatish usullari amalda bajarib ko'rsatildi.

Tadbir so'nggida oromgoh tarbiyachilari va bolajonlarning savollariga qutqaruvchilar tomonidan javob berildi.

Bobur HAMIDOV,
Qashqadaryo viloyati FVB O'quv markazi boshlig'i, leytenant.
Aziz Boltayev,
Kitob tumani FV bo'limi boshlig'i, kapitan.

Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi FVDT xizmatlarini jalb etgan holda 2022-yil mavsumining 1-, 2-, 3-bosqichlarida Shahrisabz shahar, Shahrisabz, Kitob va Yakkabog' tumanlarining so'lim go'shalarida joylashgan "Beruniy", "Lochin", "Guliston", "Ziyo chashmalari", "Zebuniso", "Yosh alangachi", "Aloqachi", "Kimyogar", "Nurafshon", "M.Ulug'bek", "Istiqlol g'unchalari", "Nihol", "Sho'rtan qaldiroq", "Avtomobilchi", "Sohibqiron" va "Yosh kimyogar" kabi yozgi bolalarni dam oldirish va sog'lomlashtirish oromgohlarida sanetariya-gigiyena qoidalariga rioya qilgan holda, "Fuqaro muhofazasi kuni" va "Yosh qutqaruvchilar" bolalar musobaqalari, "Koronavirus pandemiyasidan ehtiyot bo'ling!" mavzusida davra suhbatlari o'tkazildi.

OROMGOHLARDA TARG'IBOT



Dam oluvchi bolalar, tarbiyachi va yetakchilar ushbu tadbirlar orqali favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda va sodir bo'lish xavfi tug'ilganda

to'g'ri harakat qilish borasida kerakli bilim va ko'nikmalarga ega bo'ldilar.

Tadbirlarda faol ishtirok etgan tuzilmalar, "Yosh qutqaruvchi" klubi a'zolari, ko'rik-tanlov g'oliblari faxriy yorliqlar hamda esdalik sovg'alari bilan taqdirlandilar.

B. HAMIDOV,
Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi boshlig'i.
K. DAVKAROV, J. RAXMONOV,
markaz o'qituvchilari.

МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

“Сирдарё иккиламчи қора металл” филиалида “Ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбалари топилиши билан боғлиқ аварияни бартараф этишда ФВДТ хизматлари ҳамда мутасадди ташкилотлар куч ва воситаларининг ҳаракатлари” мавзусида ўқув машқи бўлиб ўтди.



Тадбирда радиациявий аварияни бартараф этишга жалб этиладиган куч ва воситаларнинг саф кўриги ўтказилиб, унда ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган манбаи топилиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятни бартараф этишга жалб этиладиган объект фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва ФВДТ хизматлари куч ва воситалари белгиланган жойда сафланиб, махсус техникалар ҳамда асбоб-анжомлар намойиш этилди.

Шундан сўнг филиалга кириб келган автотранспорт воситаси ва ундаги иккиламчи қора металл парчаларини дозиметрик текширувдан ўтказиш, металллар ичида номаълум радиоактив аниқланганда корхона масъул ходимларининг вилоят Фавқулодда вазиятлар давлат қўйи тизим хизматларига хабар бериш ишларини бажариш тартиби амалда кўрсатиб берилди. Шунингдек, тадбирда ўқув машқи режасига асосан бир қатор амалий ҳаракатлар ташкил қилинди ва бу борадаги вазифалар бажарилди.

Ўқув машқининг якуний натижаларига кўра, “Сирдарё иккиламчи қора металл” филиали раҳбарияти ва ходимларининг тегишли хизматлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари “Чекланган тайёр”, деб баҳоланди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ, Сирдарё вилояти ФВБ Ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.
Умид ШОМУРОДОВ, Сирдарё вилояти ФВБ бўлим катта офицери, капитан.

ҚОРАЎЗАҚДА МАШҒУЛОТ

Қораўзақ тумани фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан “Қораўзақ тумани халқ таълими бўлими объектида фавқулодда вазиятлар рўй берганда объект раҳбарияти ва Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат ҳудудий қўйи тизими Қораўзақ тумани бўғини хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмалари махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Ўқув машқи 2 босқичда ташкил этилди. 1-босқичда “Фарезсизлик гузари” МФЙдаги халқ таълими бўлими объектида фавқулодда вазиятлар рўй берганда объект фуқаро муҳофазаси тузилмасининг тезкорлик билан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлари кўриб чиқилди. 2-босқичда халқ таълими бўлими объектида фавқулодда вазиятлар рўй берганда Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат ҳудудий қўйи тизими Қораўзақ тумани бўғини хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари синовдан ўтказилди.

Ўқув машқининг барча нуқталарида режага асосан амалий ҳаракатлар ташкиллаштирилиб, асосий эътибор шахсий таркиб ва хизматларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишига оид билим-малакаларини оширишга қаратилди.

А.АМИРХОНОВ, Қораўзақ тумани ФВБ ФВДТ ва ФМ ФТЭ, ХТБ бошлиғи, лейтенант.

Наманган вилояти Поп туманида “Бошқарув органлари, Фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий ва қўйи тизимлари куч ва воситаларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида кўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди. Ўқув машқи уч босқичда ташкил қилинди.

МАЛАКАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Биринчи босқичда туман раҳбар органлари, ФВДТ хизматлари, ташкилот, корхона ва муассасалар “Юқори тайёргарлик” режимига ўтказилди;

иккинчи босқичда бошқарув органларининг ва ФВДТ қўйи тизими хизматлари “Фавқулодда вазият режими”га ўтказилиб, зилзила ва унинг иккиламчи оқибатларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар ташкил этилди;

учинчи босқичда авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар олиб борилиб, ўзаро ҳамкорлик ва ҳар томонлама таъминотни йўлга қўйиш юзасидан назарий ва амалий билимлар мустаҳкамланди.

Тадбир аввалида туман ҳудудида жойлашган “Пахтакор” марказий ўйингоҳида туман йиғма механизация ишлари командаси, Кўчма озиқ-овқат ва савдо пункти, шунингдек, доимий тайёргарликдаги хизматлар куч ва воситаларининг кўргазмалари саф кўриги ва шошилинч биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш отрядининг (ОПМ) ёйилиши ўтказилди.

Тумандаги “Попдонмахсулотлари” АЖда ва электр тармоқлари унитар кор-



хоналарида содир бўлган зилзила талафотларини бартараф этиш, ёнгинни ўчириш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуация қилишда объект тузилмалари ва ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларига бағишланган махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 3-сонли Мактабгача таълим ташкилотиди “Ёш қутқарувчи” тадбири ўтказилди. “Абдулла Қаҳҳор”, “Хужабод” МФЙлари ҳудудларида жойлаш-

ган “АРТ Софт” фермер ҳўжалигига қарашли пахта тозалаш заводида, “Поп савдо маркази” МЧЖда содир бўлган зилзила талафотларини бартараф этиш, ёнгинни ўчириш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуация қилишда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари кўриб чиқилди.

Тадбир якунида амалий ҳаракатлар танқидий кўриб чиқилиб, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Фаол иштирокчиларга Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Қосимали Аҳмедов ҳамда тумани ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Қаҳрамон САТТОРОВ, Наманган вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

БАДМИНТОН МУСОБАҚАСИ

Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳудудий қўйи тизимлари ўртасида спортнинг бадминтон тури бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Мусобақага қуръа ташланиб, старт берилгач, мурасасиз баҳслар авж олиб, иштирокчилар ўз маҳорат ва имкониятларини намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосаларига кўра, Наманган тумани ФВ бўлими 9-ЁҚҚ йўриқчи-қутқарувчиси хизматчи Ботиржон Шербоев биринчи ўринни, Наманган тумани ФВ бўлими 9-ЁҚҚ қутқарувчиси хизматчи Собиржон Собитов иккинчи ўринни, Косонсой тумани ФВ бўлими 7-ЁҚҚ қутқарувчиси хизматчи Орифжон Жўраев учинчи ўринни эгаллаб, бошқарманинг фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.



Акрамжон ТУРҒУНОВ, Наманган вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, майор.

Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Пахтачи туман бўлими 20-сонли ёнгин-қутқарув қисмида “Аҳолига фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш учун яратилган имкониятлар билан таништирув” мавзусида журналист ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди.

ПРЕСС-ТУР

Унда бошқарма ахборот хизмати бошлиғи Илҳомжон Боқиев сўзга чиқиб, пресс-турнинг мақсади ва тадбир аҳамиятига тўхталиб ўтди.



Амалий кўргазма шаклида ўтказилган тадбирда меҳмонлар Пахтачи тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ва ҳамкорликдаги хизматлар томонидан фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда фойдаланиладиган махсус асбоб-анжомлар, техникалар ҳамда қутқарувчилар учун яратилган имконият ва шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига шартли равишда содир бўлган ёнгинни бартараф этишда туман ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари амалий машғулотлар шаклида кўрсатиб берилди.

Журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Аббос АБДУРАҲМОНОВ, Самарқанд вилояти ФВБ Пахтачи тумани ФВ бўлими ходими, катта лейтенант.

NAFAQAGA KUZATUV

Qashqadaryo viloyati FVBda yillar davomida uzoq va samarali xizmat qilib, o'zining qat'iyati va fidoyiligi bilan yosh kadrlarga o'mak bo'lib, yuzlab yong'in va faqulodda vaziyatlarni bartaraf etishda jonbozlik ko'rsatgan boshqarma Maxsus vazifalarni bajaruvchi mintaqaviy qutqaruv otryadi radiatsion, kimyoviy, tibbiy, biologik muhofaza guruhi boshlig'i Ergashev Muhiddin Jo'rayevich tantanali ravishda nafaqaga kuzatildi.

Ushbu tadbirda boshqarma rahbariyati hamda shaxsiy tarkibi ishtirok etdi. Faxriyga milliy qadriyatlarimizga muvofiq holda to'n kiydirilib, sovg'alar taqdim etildi.

Mashaqqatli va sharafli kasb sohibi bo'lgan faxriy qutqaruvchi Muhiddin Ergashev ham yig'ilganlarga o'z minnatdorчилигини bildirib, ularning kelgusi faoliyatiga ulkan zafarlar tiladi.

Shuningdek, tadbirda bir guruh harbiy xizmatchilarga navbatdagi harbiy unvonlar boshqarma boshlig'i polkovnik F.Mirzayev tomonidan tantanali topshirildi.

Fazliddin KAMOLOV,
Qashqadaryo viloyati FVB bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.



O'ZIMIZNING ALEKSANDR

Sergeev Aleksandr Viktorovich Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi Tezkor boshqaruv markazi navbatchi dispetcherlik xizmati dispetcheri vazifasida xizmat qiladi. 1979-yilda Belorussiyada tug'ilgan. Millati – belorus.

Fidoi, mehnatkash va samimiy inson. Insonlarning yordam so'rab, tashvishli murojaatlariga o'z vaqtida qutqaruv bo'linmalarini jalb etish hamda ularga bunday vaziyatlarda to'g'ri harakatlanishlari borasida zarur ko'nikma va tavsiyalarni berish – asosiy vazifasi.

Taqdir taqozosi bilan O'zbekistonga kelib, hozirda Qarshining 3-mitti tumanida yashab kelmoqda. Maktab va kollejni ham shu yerda tamomlagan.

– Shu zaminda o'smirlikim o'tdi. Vatanim shu yer,-deydi u faxr bilan. – Qarshida oshna-og'aynilarim bilan birga o'ynab, katta

bo'lganman. O'zbek, arman, rus, tojik, belorus millatidan ham do'stlarim ko'p. Asosiysi, ajratish yo'q, hamjihatlik bor. O'tmishimiz bir. To'y-u tomosha, yaxshi kunimiz birga o'tyapti. Yaxshi kunimda ham, yomon kunimda ham tanishlarim, do'stlarim hamisha yonimda. Farzandlarimni ham shu yurtida voyaga yetkazyapman.

Boshqa joyga ketish haqida o'ylamaganman. Onam shu yerda dafn qilingan. Yaxshi xotiralarim shu shahar bilan bog'liq. Qarshi men uchun qadri.

Albatta, har bir inson uchun o'zi yashab turgan o'lka behad suyuqli. O'zimizning Aleksandr juda oliyanob va barchaga birdek mehribon. Oramizda shunday insonlar kop bo'lsin!

V.VANOBOV,
Qarshi harbiy prokurori yordamchisi, adliya mayori.
Qashqadaryo viloyati FVB axborot xizmati.

СЕМИНАР

Сурхондарё вилояти ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази томонидан вилоят давлат солиқ бошқармасида “Иқтисодиёт объекти ходимларини фавқулудда вазиятлар хавфи юзага келганда ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш” мавзусида назарий-амалий машғулот ўтказилди.



Тадбирда табиий, техноген ва ёнгин билан боғлиқ фавқулудда вазиятлар юзага келганда ходимларнинг тўғри ҳаракатини таъминлаш ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича назарий билимлар берилди. Шунингдек, ёнгин ўчириш куч ва воситалари, уларни қўллаш усуллари, ёнгин юзага келганда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тушунтиришлар олиб борилди.

Машғулот якунида тингловчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди.

С.САИДМУРОВОДА, Ч.ИМОМОВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ ҲФХУМ ўқитувчилари.



Самарқанд вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармасининг Минтақавий қутқарув отряди ва ёнгин-қутқарув қисмлари шахсий таркибининг руҳий тайёргарлигини янада ошириш мақсадида, руҳий-оловли йўлақларда машғулот режа-дастури ишлаб чиқилди.

РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Шунга кўра, Самарқанд шаҳридаги 1-ва 2-ёнгин-қутқарув қисмларида жойлашган руҳий тайёргарлик йўлагига қутқарувчилар билан олов таъсирида машғулотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, кўп қаватли биноларда содир бўлган ёнгинларни бартараф этиш бўйича қутқарувчиларнинг кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида, ўқув миносарида шартли ёнгинни бартараф этиш ва фуқароларни хавфсиз жойга эвакуация қилиш бўйича ҳам машқлар ташкил қилинди.

Баҳриддин МУСУРМОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.

ЖАЖЖИЛАРГА САБОҚ

Самарқанд вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси томонидан 20-сонли мактабгача таълим ташкилотида фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид кўргазмали тадбир ташкил этилди.



Унда соҳа мутахассислари ёнгин келтириб чиқариши мумкин бўлган воситалар, сабаб ва омиллар, уларни бартараф қилиш ва олдини олиш бўйича батафсил тушунчалар бердилар.

Бундан ташқари, айти кунларида республикаимизда кузатилаётган аномал иссиқ ҳаво сабабли болажонларга иссиқдан муҳофазаланиш, чўмилиш қоидаларига амал қилиш юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди.

Илҳомжон БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

ТАЪТИЛ ДОИРАСИДА

Сурхондарё вилояти ФВБ Термиз шаҳар ФВ бўлими Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ҳамда ҳарбий прокуратура ҳамкорлигида “Амударё” болаларни соғломлаштириш оромгоҳида “Ёш қутқарувчи” мусобақаси ўтказилди.

Тадбирда дам олувчи “Лочинлар”, “Майорлар” ва болалар орасидан тузилган “Қалқон” жамоалари ўзaro

беллашдилар. Мусобақа 4 та шартдан иборат бўлиб, гоят қизиқарли ва муросасиз кечди.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосаларига кўра, 1-ўринни “Қалқон”, 2-ўринни “Майорлар” ҳамда 3-ўринни “Лочинлар” жамоалари эгалладилар. Фолиб ва совриндорлар-

га мусобақа ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

С.САИДМУРОВОДА,
Ч.ИМОМОВ,
Сурхондарё вилояти ФВБ ҲФХУМ ўқитувчилари.



Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида жойлашган “Сўғдиёна” болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсумда 500 нафарга яқин болажон мириқиб дам олапти.

ҲОРДИҚ МАРОҚЛИ ЎТСИН

Оромгоҳда ФВВ НКМК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ва унга қарашли бўлимнинг масъул ходимлари томонидан бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида оромгоҳ етакчи ва тарбиячилари ҳамда болажонлар иштирокида ёнғин ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида, дастлаб ишчи-хизматчилар ётоқхонасида шартли равишда ёнғин келтириб чиқарилиб, инсонларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ишлари бўйича амалий тарзда машғул олиб борилди.

Машғулларда викторина мусобақаси, зилзила содир бўлганда бинони самарали тарқ этиш, ёнғин пайтида бинода эвакуация ишларини амалга ошириш, ёнғинни бартараф этиш, жабрланганларни қутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бир қатор амалий ҳаракатлар бажарилди.

Машғуллар якунида фаол иштирок этган болажонлар ва ёлиб бўлган иштирокчиларга НКМК ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Маъруфжон ҲАЙТОВ,
ФВВ НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

БОЗОРЛАРДА ЎРГАНИШ

Сирдарё вилояти ФВБ бошлиғи ўринбосари Ш.Абдуллажонов бошчилигида бошқарма ва Гулистон шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими шахсий таркиби томонидан бозорларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбирлар давомида дўконлар ва савдо расталарининг ёнғинга қарши ҳолати, айниқса, электр симларининг талаб даражасида уланганлик ҳолати назоратдан ўтказилмоқда. Аниқланган камчиликлар ва қоида бузилиши ҳолатлари бўйича дўкон эгалари ҳамда сотувчиларга тушунтиришлар берилмоқда.



Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, катта лейтенант.
Абдурауф ЭСОНОВ,
Гулистон шаҳар ФВБ бўлими бошлиғи, капитан.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ!

Ғалла ўрими-йиғими даврида ғаллазорларда содир бўлган ёнғинни ўчиришга Давлат ёнғин хавфсизлигининг навбатчи бўлими доимо шай ҳолатда туради. Шу билан бир қаторда ғаллани ўришга ва уни ташишга сафарбар этиладиган техникалар ҳамда уни бошқарадиган ҳайдовчилар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан йўриқномалар ўтказилади. Кейинги йилларда республикамизда “Кейс” фирмаси ва Германиянинг “Класс” фирмаси “Доминатор” “Мега” ғалла комбайнларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ғалла майдонларида ёнғин содир бўлишига сабаб сифатида об-ҳавонинг кескин исиб кетиши, ғалла ўрими-йиғими даврида ўрими машинасига техник хизмат кўрсатишнинг кечикиши, айрим ҳолларда ғалла майдонларидан ўтган юқори кучланишдаги электр линиялари, ғалла майдонларида сигарет чекишга йўл қўйилиши ва шунга ўхшаш бир қатор омилларни келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ғалла майдонларида ёнғин содир бўлганда, ёнғин майдонининг катта ёки кичиклигидан қатъи назар ўрими-йиғимга жалб қилинган комбайнларда ва ғаллани ташиш учун бириктирилган автомобилларда дастлабки ёнғин ўчириш воситаларининг таъминланганлиги ва уларнинг доимий соз ҳолда бўлиши талаб этилади. Уларни бошқараётган ҳайдовчи дастлабки ёнғин ўчириш воситаларидан ўз вақтида ва унумли фойдаланса, ёнғинлар оқибатида келиб чиқиши мумкин булган зарарларнинг олдини олган бўлади.

С.МУРТАЗОВЕВ,
Бухоро вилояти ФВБ РМҚУ инспектори, катта лейтенант.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ БЎЙИЧА

Объектлар учун ёнғин хавфсизлиги талабларини техник жиҳатдан тартибга солиш борасида миллий норматив ҳужжатлар базасини мустақамлаш ва шу йўл билан тадбиркор ва инвесторларга қулайлик яратиш мақсадида, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари замон талабларига мослаштириб борилмоқда. Айни йўналишда Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ҳам тегишли таклифлар бериб борилмоқда.



Ҳар бир қурилиш жараёнида аввало, ер майдонларининг тўғри танланиши, қурилиш объектлари лойиҳа ҳужжатларининг ҳаракатдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари асосида ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилиши, қурилиш-монтаж ишлари жараёнида лойиҳага киритилган тадбирларнинг бажарилишига эришиш, шунингдек, қурилиш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, лойиҳалаш, қурилиш ташкилотлари билан биргаликда мазкур йўналишларда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг билим савияси, касбий маҳоратини ошириб бориш, қурилишга оид қайси соҳанинг вакиллари бўлмасин, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш доимигидек долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Айни мавзуга оид ташкил қилинган семинар-йиғилишга бу соҳага дахлдор булган ташкилотлардан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Наманган вилояти вакили, Адлия бошқармаси, Қурилиш бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Кадастр агентлигининг Наманган вилоят бошқармаси, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертиза” Давлат унитар корхонаси Наманган вилоят филиали вакили, вилоят қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси вакили ҳамда вилотларидан бир гуруҳ раҳбар ва тажрибали мутахассислар таклиф этилиб, улар билан норматив-техник йўналишда фаолият олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш тадбирлари юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

Семинар-йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган ҳар бир масала тўлиқ ўзлаштирилиб, уларга доимий ҳамкорлик ва тизимли иш ташкил қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Наманган вилояти ФВБ
НТБ бошлиғи, майор.

Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасига “1050” қисқа рақами орқали Жиззах шаҳри “Улуғбек” маҳалласида яшовчи фуқаролардан мурожаат келиб тушган бўлиб, унга кўра, айни манзилдаги кўп қаватли 16-уйнинг лифти ишламай қолган.

ЛИФТДАН ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

Натижада 1988 йилда туғилган аёл тўққиз ойлик чақалоғи билан лифт ичида қолиб кетган. Кўп қаватли уйда яшовчилар лифт эшикларини мустақил очишга уринганлар, аммо уринишлар фойда бермагач, қутқарув хизматида хабар қилинган.

Мурожаат бўйича Жиззах вилояти ФВБ ёнғин-қутқарув отряди зудлик билан воқеа жойига етиб борган ва қисқа муддат ичида она ҳамда унинг чақалоғи қутқарувчилар томонидан лифтидан чиқариб олинган.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ
ахборот хизмати бошлиғи,
капитан.



Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасига “101” қисқа рақами орқали Дўстлик тумани “Чинобод” МФЙ С.Раҳимов кўчасида жойлашган 35-кўп хонадонли уйда ёнғин содир бўлаётганлиги тўғрисида маълумот келиб тушди.

БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Шунга кўра, ёнғин-қутқарув бўлимлари зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, улар томонидан ёнғин батамом ўчирилди.

Ёнғин натижасида икки қаватли уйнинг 30 кв.м. майдонининг том қисми ёниб зарарланган. Жабрланганлар йўқ.

Мунир ЖУМАНОВ,
Дўстлик тумани ФВ
бўлими бошлиғи, майор.

АВТОМОБИЛДА ЁНҒИН

Жиззах вилояти ФВБ Тезкор бошқарув марказига Пахтакор тумани ҳудудида энгил автомобиль ёнаётганлиги тўғрисида маълумот келиб тушди. Дарҳол ҳодиса жойига қутқарувчилар бўлими юборилди. Қутқарувчилар воқеа жойига соат 16:30 да етиб бориб, 16:33 да ёнғин ўраб олинди ва 16:40 да бартараф этилди.



Маълум бўлишича, 1979 йилда туғилган фуқаро Ж.Э. бошқарувида бўлган “HYUNDAI SANTA FE” русумли энгил автомобиль Пахтакор тумани “Чаманзор” ҚФЙ ҳудудидан ўтувчи “УР38” автомобиль йўлининг 1-километрида “Пахтакор-Жиззах” йўналишида ҳаракатланиб кетаётган вақтида мотор қисмида ёнғин чиққан.

Ҳайдовчининг ёнғинни мустақил ўчиришга бўлган ҳаракатлари фойда бермаган. Ёнғин ҳақида гувоҳлардан бири “101” қисқа рақами орқали хабар қилган. Ёнғин натижасида автомобиль тўлиқ ёниб, яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Жабрланганлар йўқ.

Шоир ФАЙЗИЕВ,
Пахтакор тумани ФВ
бўлими бошлиғи ўринбосари,
майор.
Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот
хизмати бошлиғи, капитан.

NAZORAT

Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasining joylardagi yonish va portlash xavfi yuqori obyekt binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi mas'ullari tomonidan turli noxushliklarning oldini olishga qaratilgan qator profilaktik tadbirlar o'tkazilmoqda.



Xususan, G'uzor tumanidagi "Sho'rtangazkimyo" majmuasi hamda "O'zbekiston GTL" korxonasi o'tkazilgan tadbirlarni misol qilish mumkin.

Tadbirlar davomida mutaxassislar tomonidan neftbazalar, neft va neft mahsulotlarini saqlash rezervuar parklari hamda ularni to'kish va quyish estakadalarida sovutish tizimini ishga tushirish hamda neft mahsulotlarini tashuvchi texnikalarning sozligiga e'tibor qaratildi.

Shuningdek, yengil alanganuvchi suyuqlik va gazlar, kuchli ta'sir

etuvchi kimyoviy moddalarni temiryo'l va avtomobil transportida tashish rayonida "Xavfli yuklarni tashish qoidalarini" va reglament talablariga qat'iy rioya etilishi ustidan nazorat ishlari olib borilmoqda.

Jahongir MUSAQULOV,
Qashqadaryo viloyati FVB GTL
MCHJ OMQYO bo'lim boshlig'i
o'rinbosari, katta leytenant.

Ulug'bek JUMANOV,
Qashqadaryo viloyati
FVB axborot xizmati yetakchi
mutaxassisi.

AҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ УЧУН

Бугунги кунда юртимиз аҳолиси ва ҳудудларини ёнғин ҳамда бошқа турдаги фавқулodda вазиятлардан муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор тadbirlar ташкиллаштириб келинмоқда.



Жумладан, Тошкент шаҳар Бектемир тумани Фарғона йўли ва ТХАЙ кўчалари кесишмасида жойлашган "Қўйлиқ" деҳқон бозори ҳудудида бозор ишчи-ҳодимлари ва Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази тингловчилари билан кўрғазмали ўқув-тактик машғулотлари, семинар, ва учрашувлар ўтказилди. Учрашувда ФВДТ таркибига кирувчи ташкилотлар ишчи-хизматчилари иштирок этиб, ўзларининг қизиқтирган саволла-

Шунингдек, бозор ҳудудида овқатдан захарланиш, ботулизм касаллигининг олдини олиш бўйича рейд тadbirlari олиб борилиб, истеъмолга яроқсиз деб топилган қўлбола консерва маҳсулотларини далолатнома расмийлаштирган ҳолда сотувдан чиқариш чоралари кўрилди.

Ҳозирда бу каби тadbirlar режага асосан амалга оширилиб, кенг аҳоли қатламлари, давлат хизматчилари, тadbirkorларнинг фавқулodda вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид билим-малакалари мустаҳкамлаб борилмоқда.

Д.КЕНЖАБОВ,
Бектемир тумани ФВ
бўлими бўлинма бошлиғи,
капитан.



Аҳоли пунктларида ко'нгилли yong'индан сақлаш xизмати бо'linmalari fuqarolar o'zini o'zi boshqarish organlari raisining qaroriga ko'ra, tashkilotlarda esa – tashkilot rahbarining buyrug'i asosida tashkil etiladi, qayta tashkil etiladi va tugatiladi.

KO'NGILLI YONG'INDAN SAQLASH XIZMATI

Ko'ngilli yong'indan saqlash xizmati bo'linmalarining soni, ularning tuzilmasi, komandalar va drujinalarning son tarkibi (kamida 4 kishi) mahalliy organ rahbari bilan kelishilgan holda, fuqarolar o'zini o'zi boshqarish organining raisi, tashkilotning rahbari tomonidan belgilanadi.

Keyinchalik hisobga olish ro'yxatidan o'tkazish yoki ularni qayta ro'yxatdan o'tkazish maqsadida fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi (tashkilot ma'muriyati) ko'ngilli yong'indan saqlash bo'linmasi tashkil etilganligi, qayta tashkil etilganligi va tugatilganligi haqida 10 kun mobaynida ushbu aholi punkti (tashkilot)ning chiqish hududida joylashgan DYOX mahalliy organini xabardor qiladi.



Ko'ngilli yong'indan saqlash xizmati bo'linmalarini hisobga olish ro'yxatidan o'tkazish tartibi Idoraviy va ko'ngilli yong'indan saqlash xizmati bo'linmalarini hisob o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizomga muvofiq belgilanadi.

Ko'ngilli yong'indan saqlash xizmati bo'linmasi boshlig'i tomonidan DYOX mahalliy organi yordamida quyidagi hujjatlar ishlab chiqiladi va tasdiqlanadi:

lavozim yo'riqnomalari;
ko'ngilli yong'indan saqlash xizmati a'zolarining navbatchilik jadvali;
aholi punktida (tashkilotda) joylashgan jamoat va turar joy binolari, shuningdek suv manbalari va yo'llarning chizmalari va rejalari;
aholi punktlarida (tashkilotlarda) yong'inga qarshi profilaktik tadbirlarni amalga oshirish, shuningdek aholini yong'in xavfsizligi chora-tadbirlariga o'qitish jadvallari;

yong'in o'chirish texnikalari va aloqa vositalarining ro'yxati, shuningdek ulardan foydalanish tartibi (komandalar tuzilganda);

ko'ngilli yong'in o'chiruvchilarni kelgusi tayyorgarlikdan o'tish jadvallari va h.k.;

Sanab o'tilgan va ko'ngilli yong'indan saqlash xizmati bo'linmalari faoliyatini tashkil etishni tartibga soluvchi boshqa hujjatlar, qonun hujjatlari, shu jumladan DYOX normativ-huquqiy hujjatlari asosida ishlab chiqiladi.

Navbatchilik tashkil etish uchun komanda (drujina)lar tashkilotlarda ishchi smenalar soni bo'yicha va aholi punktlarida kamida to'rtta navbatchi smenalarga bo'linadi.

Komanda (drujina)lar navbatchi smenalariga eng yaxshi tayyorlangan ko'ngilli yong'in o'chiruvchilar safidan tanlangan katta yong'in o'chiruvchilar rahbarlik qiladi.

S.HAMIDOV,

FVV "LUOK" MCHJ YOYXTTEB inspektori, kapitan.

LOQAYD BO'LMANG



Favqulodda vaziyatlarning oldini olish yilning har bir faslida muhim ahamiyatga ega. Shu bois, soha vakillari tomonidan mavsumiy favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.

Birgina Qamashi tumanining 5 ta mahalla hududidan oqib o'tuvchi Paxtaobod kanalida 5 ta joyga "Cho'mil-

ish taqiqlanadi" belgilari qo'yilib, mahalla fuqarolariga cho'milish bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha profilaktik suhbatlar o'tkazib kelinmoqda.

Shuningdek, tadbirlar davomida nazoratsiz 300 nafardan ortiq yosh bolalarning ota-onalari bilan profilaktik ishlar olib borilgan.

Hozirda bu boradagi tadbirlar davom ettirilmoqda.

O.XUSHVAQOV,
Qamashi tumani FV bo'limi
NTB boshlig'i, kapitan.
A.OMANQULOV,
bo'linma boshlig'i, kapitan.

BULARNI BILISHINGIZ LOZIM

Korxonalar, tashkilot va muassasalar bino, inshootlari hamda xonalarining yong'inga qarshi holati, favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha javobgarlik ushbu obyektning rahbarlariga yuklangan.

Korxonalar, tashkilot va muassasalar obyektleri rahbarlari tegishli buyruq bilan har bir bino va inshoot hamda xonaga yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha javobgar shaxslarni birlashtiradi.

Yong'in yoki boshqa favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda, insonlar va moddiy boyliklarni qutqarish rejasini ishlab chiqilib, ko'rinarli joylarga o'rnatilishi lozim.

Korxonalar, tashkilot va muassasalarda quyidagilarni amalga oshirish lozim:

- har bir obyektida favqulodda vaziyatlarda insonlarni evakuatsiya qilish uchun loyihada belgilangan kirish-chiqish yo'laklarini turli buyum va jihozlar bilan to'sib qoymaslik;

- evakuatsiya kirish-chiqish yo'nalishlarini belgilab beruvchi ko'rsatkichlarni ko'rinarli nuqtalarga joylashtirish;

- bino va inshootlar hamda xonalarini yong'inni o'chirish birlamchi vositalari bilan me'yori talablari asosida jihozlash va h.k.

Ish vaqti tugagandan so'ng har bir xonadagi konditsioner, kompyuter, tele-video apparaturalar, boshqa turdagi barcha elektr jihozlari va maishiy uskunalarni o'chirib, elektr tarmog'idan uzib qo'yish lozim.

Barcha elektr sim va kabellar tashqi himoya qobiqlarining elektr tokiga qarshi chidamlilik darajasini mutaxassislar tomonidan sinovdan o'tkazish.

Shu va boshqa qoidalarga amal qilish ekanimiz, o'zimiz va atrofmizdakilarni yong'in ofatidan muhofaza qilgan bo'lamiz.

A.BAYRBEKOV,
Toshkent shahar FVB YoXTEB
YoN va PB mutaxassisi,
oddiy askar.

Фуқаро қутқарилди

Сирдарё вилояти ФВБ марказий-диспетчерлик хизматиغا Янгиер шаҳар «Жанубий Мирзаҷул» (Саркисов) каналида бир фуқаронинг чуқайтганлиги тўғрисида хабар келиб тушган.

Дарҳол воқеа жойига ФВБ Ёнғин-қутқарув отряди сувда қутқарув гуруҳи фаввослари этиб борган ва қурилган тезкор чоралар натижасида воқеа етмаган фуқаро соғомон қутқарилган.

Шу ўринда, барча ота-оналардан фарзандларини қаровсиз қолдирмаслик ва белгиланмаган жойларда чўмилишларига рухсат бермасликларини сўраб қоламиз.

Жамшид ИСЛОМҚУЛОВ,
Янгиер шаҳар ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари, капитан.

Tahririyatga maktub

OTA-ONAMNING DUOLARIDA – MEN!



Ismim Shaxboz, yoshim 22 da. Hozirda Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi xodimimiman. Ha, qutqaruvchilik kasbini tanlaganimga bir yil bo'ldi. Yangi sinov muddatida yurganimda bir kishi yangi ishga qabul qilinayotgan taxminan 50-60 nafar yigitlar o'tirgan xonaga kelib, bizlardan test sinovi olishini va bayon yozish orqali chiroyli yozadigan, bilimli bolalardan bir kishini boshqarmada olib qolishini va matbuot xizmatida birga ishlashini aytdi. Oliy ma'lumotli bolalardan taxminan 20 nafar bola boshqa alohida xonaga chiqdik va bizni sinovdan o'tkazishdi. Oradan 2 soatlar vaqt o'tib, kapitan unvonidagi bir harbiy jiddiy holda kirdi va "Bobomurodov Shaxboz kim?" deb so'radi. Ismimni eshitib yuragim hayajonga to'ldi. Men o'zimni tanishtirgach: "Sen o'tibsani, men bilan ishlaysan",-dedi. O'sha paytda quloqlarimga ishonmasdim. Rostdanmi, derdim o'zimga-o'zim. Bu inson mening ustozim Sohib aka edi.

Mana, bir yildirki birga ishlaymiz va bu vaqt oralig'ida menga ko'p narsalarni o'rgatdilar. Buning uchun ulardan minnatdorman.

Ota-onam esa juda xursand. Har kuni ishga ketayotganimda onam duo qilib kuzatadilar. Duo qilib kutib oladilar. Qo'ni-qo'shni, qon-qarindoshlarga esa faxrlanib, meni qutqaruvchilik kiyim-boshida ishga ketishimni aytib beradilar.

O'ylashimcha, dadam ham mendan faxrlanadilar, lekin hech qachon menga yoki atrofdagilarga bildirmaydilar. Men, albatta, bundan buyog'iga ular niyat qilgandek inson bo'lib, ishonchlarini oqlashga doim harakat qilaman.

Muvaffaqiyatlarimning kaliti ota-otamning duolarida deb bilaman, chunki ularning duolarida – MEN...!

Shaxboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB xodimi,
oddiy askar.

QADRING BALAND BO'LSIN, ONA TILIM!

"Bo'!"- degan buyukning qudrati bilan,
So'zdan yaratilmish barcha silsila.
Odamzod ul qismat sur'ati bilan,
Olamni anglashga qilar hafsala.

So'zdan boshlanadi barcha sinoat,
So'z abad hurlikdir, so'z bu saodat.
So'z buyuk qudratdir, so'z bu ibodat,
So'z mudom birlikdir, so'z bu adolat.

So'zlamog, anglamog uchun tashabbus,
Yetmish yil tirishib, tilni tishladim.
Moziydan keladi xalq bo'li degan so'z,
Xalq bo'lmay, kun ko'rmay, quldek yashadim.

Axir o'zimniki o'z etim yedi,
Abad mijja qoqmay hurlikni kutdim.
Zanjirlar sindirdi og'ochlarimni,
Unutdim tilimni, o'zni unutdim.

Axir men saodat ko'rmoq istadim,
O'z yerim, o'z tilim o'zimnikimas.
Hatto og'zimdagi burda nonimni,
Tortib olmoq bo'ldi, u yovuz nokas.

Nihoyat, taqdirda hurlik bor ekan,
Ozodlik shamoli ko'ksimga tegdi.
Sochimni tutamlab, devorga urgan,
Qattol rahnamolar boshini egdi.

Endi vatandaman, mana mustaqil,
O'z yerim, o'z donim, bo'g'lar meniki.
Endi odimlarim shaxdam va dadil,
Osuda, nurafshon chog'lar meniki.

So'z asal, so'z azal, so'z buyuk fikrat,
Diyonat, ma'rifat, so'z adabiyot,
Tarix ham, bugun ham, kelajak, hikmat,
So'z birlik, so'z hurlik, so'z abadiyat.

Ey sen, kelajakning g'unchasi, gili,
Jahonga bo'ylamoq bo'lganda bo'ying.
Unutma, millatning ruhidir - tili,
Tafakkur so'zdadir, shu bo'lsin o'ying!

Dostonbek SHARIPOV

OSUDA DAMLAR QADRI

Эрих Мария Ремарк атоқли немис адиби. Адибнинг "Фарбий фронтда ўзгариш йўқ" романи ҳамда унинг мантқиқий давоми бўлган "Ортга йўл" асарини мутолаа қилдим.

Асарни ўқир эканман, бундан бир қанча йиллар муқаддам бўлиб ўтган урушнинг совуқ нафаси юзимга урилгандек бўлди. Ночор халқ изтироблари, беғуноҳ, ярадор аскарлар чинқириги қулоғим остида янгради. Ёзувчи асарни, манзараларни худди урушнинг нақ юрағида туриб яратгандек. У шу воқеаларга, вайронагарчиликларга гувоҳ бўлгани аниқ. Сабаби ҳис қилиб ёзмас экансан, ўқувчига ҳам ҳис қилдирилмайсан. Назаримда, бу каби асарлар жимжимадор сўзларга эҳтиёж сезмайди.

Ремарк уруш даҳшатини қандай бўлса, шундай қоғозга туширади ва ўз-ўзидан ўқувчи ҳам беихтиёр ўша жанггоҳда пайдо бўлиб қолади. "Фарбий фронтда ўзгариш йўқ" романида руҳи қақшаган, жисмонан мавжуд бўлса-да қалбан ўлган аскарлар кечинмалари тасвирланган. Асар қахрамони урушдан омон қолади, лекин ҳалок бўлган дўстлари, жанговар ракеталар, миналар кўз олдидан лентадек айланаверади. Асабий, тажанг ҳолатга тушади. Оддий одамлардек яшай олмайди. Бу орқали ёзувчи аскарни руҳан ўлик кимсага айлангани, фақат нафас олиб яшаётган жасадигина борлигини, уруш шу каби

минглаб инсонларни руҳсиз танага айлантириб қўйганини тасвирлайди.

"Ортга йўл" асарида эса худди шу аскарларнинг урушдан сўнг ўз уйларига қайтиши, эски ҳаётида яшай бошлаши ҳақида ёзилган. Фронтда елкама-елка туриб хизмат қилган дўстлар ўз оилалари бағрига тарқаб кетишади. Кимдир буткул ўзгаради, кимдир кўниқолмайди. Ҳали 20 га тўлмаган ёш, беғубор қўл силкиб фронтга йўл олган ўсмирлар, худдики, умрининг сўнгги кунларини яшаётган умидсиз, бефарқ кишиларга ўхшаб қайтишади. Энди уларга уруш ҳақидаги баландпарвоз гаплар ёкмайди, сохта-лар сўзидан ҳам, тузумдан ҳам нафратланишади. Қон кечиб, қанчадан-қанча беғуноҳларнинг ҳаётига нуқта қўйганидан, худбин ҳукуматнинг ўйинчоғи, қуроли бўлиб қолишганидан қаттиқ афсус чекишади.

Уларга энди ҳаммаси барибир эди. Қаҳрамонлардан бирининг отаси билан суҳбатидан олинган парчага эътибор беринг:

— Отажон, балки сиз ҳақдирсиз. Лекин мен ер остида форда яшашни, бир тишлам нон билан қаноат қилишни ўргандим. Мен учун ўқ узилмаслигининг ўзи кифоя. Тушунинг ахир! Нафас олиб турганимнинг, теварагимда ўқ отилмаётганининг ўзи мен учун етарли. Бир тишлам нонимни амаллаб топаман.

— Тўғри-куя, лекин бу яшаш эмас — эътироз билдиради ота — бор-йўғи мавжуд бўлиш холос.

Аҳамият беринг, ота тилидан айтилган "бор йўғи мавжуд бўлиш" барча ҳаётдан совиган собиқ жангчиларга нисбатан айтилгандек, гўё. Лекин шу ўринда ўғилнинг руҳий ҳолати, кайфияти...

Улар бор-йўғи мавжуд жонзотларга айланмишди, лекин фақат уруш йўқ бўлган жой-маконда бўлишни исташарди. Ёзувчининг: "Эҳтимол, ҳеч ким бировнинг азоб-уқубатларини охиригача ҳис этмагани учун ҳам номинг ўчгур уруш такрор-такрор қайталанаверар" деган гапи асарнинг уч жойида такрор қилини китобхонни мушоҳадага чорлайди. Ҳа, тани бошқа дард билмас, дегандек.

Китоб мутолааси давомида бундан анча йиллар илгари бўлган урушнинг озори, емиришларини, йўқотишларни ҳис этасиз. Қаҳрамонларнинг кечинмаларидан тотиб кўрасиз. Фронт ва фронт ортида хизмат қилган, жон фидо қилганларнинг жасоратидан ҳайратланиб сабоқ оласиз, фикр қиласиз. Шунингдек, Ремаркнинг ушбу асарлари садоқат ва сабр-тоқатни мустаҳкамлайди. Оилага, дўстга меҳрли бўлишга, ҳаётни, тинчликни қадрлашга, фақат эзгу ғоялар билан яшашга чақиради.

Барноҳон РАЖАБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулдда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУҲОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
Б.ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6050 нуска